

Учкўприк туманидаги 15-мактабда синов тариқасида Япония таълим тажрибаси татбиқ этилади

Жорий ўқув йилидан вилоятимиз бўйича ҳар бир шаҳар ва тумандан танлаб олинган биттадан мактабда синов тариқасида Япония таълим тажрибаси татбиқ этилади.

Мазкур ташабbus дунёдаги замонавий ўқув дастурларини ўрганиб, юртимиз умумтаълим мактабларида жорий қилиш бўйича давлатимиз раҳбарининг кўrsатмаларидан келиб чиқсан ҳолда, шунингдек, Фарғона вилояти делегациясининг 2022 йил 5-11 декабрь кунлари Японияга амалий ташрифи доирасида олиб борилган ўрганишлар натижасида амалга оширилмоқда.

Таълим соҳасидаги дунёнинг энг илғор давлатлардан бири бўлган Япония тажрибасини татбиқ этиш учун Учкўприк туманида 15-умумтаълим мактаби танлаб олинди.

Туман ҳокими Аброржон Асқаров мазкур таълим масканида бўлиб, мактаб педагогик жамоаси билан Япония таълим тизимининг ўзига хос жиҳатлари, таълим жараёнини ташкил этишнинг самарали усуслари, ота-оналар ва мактаб ҳамкорлиги, ўқувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, синф хоналарини жиҳозлаш борасидаги талаблар ҳақида фикр алмашди.

Ўқувчиларда эркин ва креатив фикрлашни шакллантириш бош ғояси бўлган Япония таълим тизими юқори билим бериш билан бирга, тозаликка риоя қилиш ва соғлом турмуш тарзини болаликдан ўргатиш, ўқувчиларни ёшликтан касбий таълимга йўналтириш, меҳнат

кўникмаларини шакллантириш каби жиҳатларни ҳам ўз ичига олгани билан эътиборлидир. Шу боисдан, учрашув давомида таълим жараёнини тарбия билан ҳамоҳанг ташкил этиш, ўқувчиларни китоб ўқишига қизиқишини орттириш учун кутубхоналар фондини кўпайтириш, фан тўгараклари ва касбга ўргатиш машғулот хоналари фаолиятини кенгайтириш борасида вазифалар белгилаб олинди.

Бундан ташқари, ўқувчилар билан бирга ўқитувчилар учун ҳам етарли шароитлар яратиш, ўқитувчилар хонасини кунлик тажриба ва фикр алмашиш, дарсга киришдан олдин режалар ҳамда дарсдан сўнг якунлар бўйича доимий очик муҳокамалар ўtkазиш майдончасига айлантириш, ҳар бир ўқитувчининг алоҳида ишлаш жойи бўлишини таъминлашга ҳам алоҳида эътибор қаратиш зарурлиги қайд этилди.

Янги ўқув йили арафасида педагогик жамоа ва ўқувчиларнинг ота-оналари иштироқида Япония таълим тажрибасининг хусусиятлари ҳақида батафсил маълумот бериш учун амалий семинар ўтказилишига келишиб олинди.

2023-08-15 09:35:19